Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 12 ноябрь, пайшанба № 223 (21. 321).

ЗАФАР МУБОРАК!

БУХОРО вилояти заршунослари 357 минг тоннадан кўп, ҚАШҚАДАРЁ вилояти деҳқонлари 460 минг тоннадан зиёд пахта тайёрлаб, республикада биринчи бўлиб йиллик маррани эгалладилар. Ғолибларга офарин!

ЧИН ҚАЛБДАН ҚУТЛАЙМАН!

БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Ҳурматли ўртоқлар!

Қадим ва ҳамиша навқирон Бухоро пахтакорларининг меҳнат зафарини эшитиб бошим осмонга етди. Аввалги йилларда бўлганидек, бухороликлар пешқадамлар сафида бормоқдалар. Жумҳурият хирмонига улар бу йил 357 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкдилар.

Пахтакорларни, механизаторларни, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларини, ҳашарчи шаҳарликлар, студентлар бу улкан меҳнат зафарига ҳисса қўшганларнинг барчасини чин дилдан қутлайман.

Ишончим комилки, вилоят пахтакорлари даладаги ҳосилнинг қолган қисмини ҳам нест-нобудсиз, қисқа муддатда териб оладилар, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча жабҳаларида янгидан-янги ютуқларга эришадилар.

Эзгу тилаклар билан

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 ноябрь

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Ҳурматли ўртоқлар!

Сизларни, ёру биродарларингизни пахта тайёрлаш плани бажарилгани билан чин дилдан қутлайман. Бу йилги меҳнат зафари осонликча қўлга киритилмади. Уйган «оқ олтин» хирмонларингиз ана шу жиҳати билан ҳам ғоят қадрли ва қимматлидир. Қашқадарёликлар уста пахтакор эканликларини бу йил яна бир бор намойиш этдилар.

Ҳалол, қаҳрамонона меҳнатингиз учун сизларга минг раҳмат, азиз биродарлар!

Ишончим комилки, қашқадарёликлар бундан кейин ҳам енг шимариб фидокорона меҳнат қиладилар, жонажон мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшадилар.

Камоли эҳтиром билан

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 ноябрь.

ДАСТЛАБКИ ДОВОН

Дамир ЕДГОРОВ,
Бухоро вилояти ҳокими

Бухоро деҳқони азалдан пахтачилик соҳасидаги тажрибаси билан юртда шон-шуҳрат қозонган. Бу йилги синовлар буни яна бир карра исботлади.

Меҳнатсевар деҳқонларимиз ҳар йилги об-ҳаво инжиқликларига кўникиб қолишган. Маҳаллий селекционерлар томонидан яратилган «Бухоро»-6 ғўза нави, ана шундай қийин шароитларда яна деҳқонларга қўл келди. Умумий пахта майдонининг 95 фоизига шу навдан экилди.

Бу йил оммавий пахта теримига аввалги даврларга нисбатан қарийб бир ой кейинроқ киришган бўлсак ҳам кишиларимиз жасорати туфайли республикада вилоятимиз биринчи бўлиб йиллик режани бажаргани ҳақида ғалаба рапорти берди. Эл хирмонига 357 минг тоннадан зиёд пахта армуғон этилди. Ҳар гектар ердан 31 центнердан зиёд ҳосил олинди. Бу вилоятда деҳқончилик маданияти тобора ортиб бораётганлигининг самарасидир.

Қаторасига бир неча йиллардан буён биринчи бўлиб маррага етаётган Олот райони пахтакорлари бу йил ҳам ҳаммадан олдин йиллик режани уддаладилар. Сирасини айтганда баҳорда табиий офатдан катта зарар кўрган бу районнинг, умуман, режани бажаришига умид қилинмаган эди. Аммо пахтакорлар 31 минг тоннага яқин ҳосил топшириб, йиллик режани 110 фоиздан оширдилар.

Қоракўл райони пахтакорлари тиклаган хирмон 39 минг тоннадан ошди. Ғолиблар ҳар гектар майдондан 32 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Йиллик режани шараф билан бажарган Пешку, Шофиркон, Ғиждувон ва Ромитан райони пахтакорларига ҳар қанча тасаннолар айтилса арзийди. Чунки улар ҳар гектар ердан 34—37 центнердан ҳосил олиб, вилоят деҳқонларининг бугунги меҳнат муваффақиятига баракали улуш қўшдилар.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов ва Ўзбекистон ҳукуматининг пахтачилик равнақига, шу тармоқ меҳнаткашларига кўрсатаётган катта ғамхўрликлари бу йилги мавсумни муваффақиятли ўтказишда ҳал қилувчи роль ўйнади, десак муболаға бўлмайди.

Шуниси диққатга сазоворки, бир қатор хўжаликлар ўзлари сотган пахта даромадидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ускуналарини ҳамда кичик корхоналарини ҳамда кичик цехларни сотиб олишди. Бу йил Президент Фармони билан йиллик режадаги ҳосилнинг 15 фоизи ҳамда пландан зиёда бутун пахта хўжаликлар ихтиёрида қолдирилиши қишлоқларимиз янада кўркам бўлиши, даромадларимиз тобора ортиши учун янги имкониятлар яратиб беради.

Деҳқонларимизни беҳад хурсанд этган иккинчи воқеа — пахта харид нархларининг бир ярим баравар ортгани бўлди. Қишлоқ хўжалигидан бу йил олинадиган даромад ўтган йилгидан 8-10 баравар ортади.

Деҳқончилик илмини далада эгаллаган, уни ўз ҳаётий тажрибаси билан бойитган уста пахтакорлар вилоятимизда жуда кўп. Жондор районидаги Ҳамза номли жамоа хўжалигидан Акрам Ботиров, Пешку районидаги Йўлдош Эргашев номли жамоа хўжалигидан Рустам Рамазонов, Ғиждувон районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Қудрат Раҳматов сингари ўнлаб илғор бригада саркорлари ҳосилдорликни 50 центнерга етказдилар.

Бухоро районидаги «Маданият» жамоа хўжалигидан Ҳалима Абдиева, Қоракўл районидаги Раҳим Бердиев номли жамоа хўжалигидан Рўзиҳол Ҳамроев, Когон районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Феруза Қаҳҳорова, Пешку районидаги Шариф Эргашев номли жамоа хўжалигидан Саодат Бурхонова ва бошқа юзлаб чеварлар мавсум бошидан буён ўн бир-ўн икки тоннадан пахта теришди.

Вилоят пахта тайёрлаш режасини бажарган бўлса-да далаларимизда меҳнат шижоати бўшашгани йўқ. Зеро, ҳали республиканинг ғалаба манзилига етишига бироз фурсат бор. Деҳқонларимиз йиллик режага қўшимча равишда 10 минг тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни гектар бошига 33 центнерга етказадилар.

Шофиркон районидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалигида йиғим-терим суръатига метанизаторлар катта ҳисса қўшяптилар. Қаюм Усмонов терим агрегатини унумли ишлатиб, ҳозиргача 130 тоннадан зиёд пахта терди.
Суратда: механик-ҳайдовчи Қ. Усмонов.
Суратқаш К. КАРИМОВ.

43 ЦЕНТНЕР ЧЕГАРА ЭМАС

Ахир деҳқоннинг пахтадан бошқа яна қандай бойлиги бор. Шу бойлик эвазига ўтган йили қишлоғимизда дала шийпони, болалар боғчаси қурилди. Айни маҳалда замонавий мактаб барпо этиляпти.

Илғор теримчиларимиз. С. Муродова, Р. Бозорова, М. Файзиева А. Икромованинг ҳар бири ҳозиргача бригада хирмонига 5—6 тоннадан «оқ олтин» тўкди. Шу кунгача ҳар гектардан топширган хом ашёмиз 43 центнерга етди. Режани хўжаликда биринчи бўлиб бажардик. А. Отаев, Ш. Латипов, Р. Турсунов бошлиқ бригадалар эришган ютуқлар ҳам қувончли.

Даладаги ҳосил чўғини чамалаб, яна 3,5 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдик.

Ҳасан РАЗЗОҚОВ,
Ғиждувон районидаги Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи.

Ҳирмонингизга барака, ғолиб пахтакорлар!

МАРРА—500 МИНГ ТОННА

Темир ХИДИРОВ,
Қашқадарё вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

Бу йил пахтачилик тарихида ўзига хос келди. Ҳар йили ҳам табиат инжиқлиги бўлади. Лекин бу йилгиси ошиб тушди. Сел, жала оқибатларини тугатиш учун курашган пахтакорларимиз ҳатто июнь ойининг бошларида ҳам баъзи майдонларни бузиб чиқиб экдилар.

Барча қийинчиликлардан деҳқон матонати, одамларимизнинг ҳамжиҳатлиги, мустақиллик истиқболига ишончи устун келди. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг қишлоқ меҳнаткашларини қўллаб-қувватлаётганлиги, пахта харид нархини оширилганлиги ва режадан ташқари ҳосилнинг хўжаликлар ихтиёрида қолдирилиши деҳқонларимиз ғайратига ғайрат қўшди.

Вилоятимиз меҳнаткашлари жорий йилда 201500 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Даладаги барча ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун ялпи сафарбарлик эълон қилинди. 120 минг киши этак боғлаб пахта терди. 4 мингга яқин терим агрегати юксак унум билан ишлатилди. Дала меҳнаткашларига қулай иш шароити яратишга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор бердик. Натижаёмон бўлмади. Ғузор райони республикада биринчи бўлиб йиллик режани уддалади. Ундан сўнг Косон, Касби, Баҳористон, Муборак, Қарши, Қамаши ва Чироқчи районлари ҳам маррага етиб келдилар.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, вилоятда йиғим-терим кеч бошланган бўлса-да, йиллик пахта топшириш режаси 50 кунда адо этилди. Давлатга 459 минг тонна ўрнига 460 минг тоннадан зиёд пахта топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 23 центнерни ташкил этмоқда.

Бугунги қутлуғ кунда вилоятимизнинг пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшган илғор хўжаликлар номини алоҳида тилга олмоқчимиз. Жумладан, Ғузор районидаги Улуғбек номли, М. Ҳасанова номли, Касби районидаги «Қашқадарё», С. Насафий номли, Баҳористон районидаги «Чандир», Қарши районидаги А. Икромов номли, У. Юсупов районидаги 26-, Косон районидаги «Пахтакор», «Пистали», Беруний номли давлат хўжаликлари эришган ютуқлар таҳсинга сазовор.

Кўплаб бригада ва звенолар ҳосилдорликни кескин оширишга эришдилар. Ғузор районидаги Улуғбек номли давлат хўжалигидан Н. Рўзибоев, М. Ҳасанова номли давлат хўжалигидан А. Ғозиев, Косон районидаги «Темир хўжа» жамоа хўжалигидан Т. Тиловов бошлиқ бригадалар ҳар гектар майдондан 40—45 центнердан пахта йиғиб-териб олдилар.

Ҳосилни йиғиштириб олишда шаҳарлик ҳашарчилар ҳам катта ҳисса қўшишди. Ўқув юртлари хўжаликлар билан шартнома тузиб, йиғим-теримда фаол иштирок этдилар. Ҳар килограмм пахтага 4 сўмдан ҳақ тўланганлиги ёрдамчиларни ҳам руҳлантирди.

Ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Биз вилоят бўйича ялпи хирмон миқдорини ярим миллион тоннага етказишни мўлжаллаяпмиз. Шундай натижага эришсак, даромадимиз янада ошади. Агар режадаги 459 минг тонна пахтанинг 15 фоизи, яъни 68850 тоннаси хўжаликлар ҳисобида қолдирилса ва ундан олинадиган 20650 тонна толанинг ҳар тоннасини 300 минг сўмдан сотсак, бу колхоз ва совхозларга 6 миллиард 195 миллион сўм соф даромад келтиради. Ялпи ҳосил миқдори ярим миллион тоннага етади. Режадан ортиқ 41 минг тонна пахта қўшимча 3 миллиард 690 миллион сўм даромад келтиради.

Биз ана шу ҳисоб-китобларни меҳнат жамоаларига етказдик. Пахтакорларимиз йиллик марра эгалланган бўлса-да, суръатни бўшаштирмасликка ҳаракат қиляптилар. Мақсадимиз — республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига салмоқли ҳисса қўшиш учун бир мисқол ҳам ҳосилни ерда қолдирмасликдан иборат.

Фотима Қодирова икки йилдирки, пахтачилик звеносига бошчилик қилади. Унинг звеноси Усмон Юсупов туманидаги «Янгиобод» давлат хўжалигида биринчилардан бўлиб режани ошириб уддалади. 27 гектар майдондан 60 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Айни пайтда звено далаларида терим қизғин давом этмоқда.
Суратда: Ф. Қодирова.
Ш. НАРЗИЕВ олган сурат.

МИСҚОЛИ ҲАМ ЗАР

Бригадамизда ҳар йилгидек бу йил ҳам йиғим-теримни намунали ташкил этдик ва йиллик режани биринчилар қаторига ошириб бажардик. Ҳар гектар майдондан терилган ҳосил шу кунгача режадаги 29 центнер ўрнига 40 центнердан ошиб кетди.

Колхозчиларимиз ёмон ишлашмади. Нурмат Холёров, Улаш Ҳамроев, Ҳамро Тўраев, Қўрғон Тўхташев, Эгам Шарипов, Бегмат Мейлиев каби механизатор ва сувчиларнинг ғайрат ва шижоати туфайли баракали хирмон яратишга эришдик. Чунки, пахтамиз — меҳнатимиз маҳсули. Уни ерда қолдириш увол. Сўнгги марра: ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказамиз.

Аҳмад БЕРДИЕВ,
Ғузор районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ А. А. АЙДАРҚУЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республикани ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун Навоий вилояти ҳокими Абдуҳолиқ Абдураҳмонович Айдарқулов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 10 ноябрь.

ЧОРТОҚЛИКЛАР ҲИССАСИ

Наманган вилоятида биринчи бўлиб Чортоқ райони пахтакорлари йиллик маррани эгалладилар. Давлатга 10 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо хом ашё етказиб берилди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 32 центнери ташкил этди.

Бу муваффақиятга Алишер Навоий номли, «Чортоқ», «Ғалабанинг 45 йиллиги», «Фарғона», «Дўстлик» хўжаликлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

А. МАДАТОВ.

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 11 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун— вилоятлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Бухоро	0,92	99,37
Қашқадарё	1,10	99,21
Наманган	1,01	95,41
Фарғона	0,78	93,61
Андижон	0,91	93,03
Сурхондарё	1,04	84,98
Тошкент	1,30	84,85
Навоий	1,32	83,14
Хоразм	0,71	81,44
Сирдарё	1,69	79,82
Қорақалпоғистон Республикаси	1,06	77,41
Жиззах	1,79	75,53
Самарқанд	1,53	66,60
Республика бўйича	**1,14**	**86,69**
1991 йилдагиси	0,13	103,94

МАҲАЛЛА ЖАМҒАРМАСИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида фармони чиққан эди. Бу фармонни республикамиздаги барча маҳаллалар аҳли эўр қувонч билан кутиб олдилар.

Хабарингиз бор, «Ўзбекистон овози» газетаси ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси маҳалла қўмиталари тўғрисидаги Низом» лойиҳаси ишлаб чиқилган ва газетамизда эълон қилинган эди. Лойиҳа кенг халқ оммаси орасида қизғин муҳокама қилинди, таклиф ва мулоҳазалар билан тўлдирилди.

Бугун эса яна бир хушхабар олдик. «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси расмий равишда рўйхатдан ўтди.

Ҳа, республика Адлия вазирлигида «Маҳалла» хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари М. Абдусаломов рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги 276-сонли гувоҳномани республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Темуровга топширди.

Жамғарма раиси гувоҳномани қабул қилиб оларкан, янги ташкилотни ташкил этишда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг шахсий ташаббусини алоҳида таъкидлаб, эндиликда ушбу жамғарма Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб-асраш ва бойитишга, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва бошқа ёрдамга муҳтож фуқароларга моддий ва маънавий томондан кўмаклашишга, шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бевосита хизмат қилишини айтди. Жойларда йирик корхона ва ташкилотлар, муассасалар жамоаларининг жамғарма фонди 700-сонли ҳисоб рақамига хайрия маблағлари ўтказиш бошлаб юборилди.

Шу куни Адлия вазирлигида яна бир қатор жамоат ташкилотларига рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди.

А. БОЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОЛИЙ ҚОНУНИ

Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китобида ёзганидек Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Бугунги кунда давлатимиз ўзининг сиёсий-ҳуқуқий тузилмасини такомиллаштириш соҳасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Умуман жаҳон сиёсий — ҳуқуқий тажрибасига кўра илғор, етук сиёсий-ҳуқуқий тузилмани яратиш учун дастлаб аниқ, қатъий қонуний йўналишни ишлаб чиқмоқ керак. Бунинг учун аввало депутатлик мақоми, регламент, референдум ҳақидаги, сайлов тўғрисидаги қонунларни, ижтимоий ташкилотларнинг фаолиятини белгилайдиган барча норматив ҳужжатларни қабул қилиш зарур, сўнгра энг муҳим масалани — ҳар бир фуқаронинг эркинлиги ва ҳавфсизлигини таъминлашга кафолат берувчи эркин давлатларнинг мавжудлигини қисқа, аниқ ҳуқуқий асосда мустаҳкамловчи конституцияни тайёрлаш ва қабул қилиш керак. Одатга кўра, бу масалалар ҳал қилингач, Олий қонун чиқарувчи орган хўжалик тузилмаларининг долзарб вазифалари бўйича қонунлар яратади, сиёсий ҳокимият эса қонунга таяниб, ўзининг яратувчилик фаолиятини бошлайди. Бугунги кунда республика аҳли, унинг жамоатчилиги қонуний стратегияни ишлаб чиқаришнинг иккинчи, энг муҳим устивор талабини — Республика Олий Кенгашининг топшириғига мувофиқ конституциявий комиссия томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этди.

Бу ҳужжат мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта қабул қилинадиган Конституция лойиҳасидир. Бундан ташқари мустақиллигимизга энди бир йилдан ошди, холос. Ҳали ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида аниқланиши ва ҳал қилиниши керак бўлган масалалар жуда кўп. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини юргизиш, қонун ва қонунчилик бобида мустақил тажрибаларимиз энди тўпланяпти.

Лойиҳада иккинчи авлод конституцияларига мансуб бўлган етук ҳужжатларнинг барча ижобий жиҳатлари жамланиб, Ўзбекистон халқлари тарихий-ҳуқуқий тажрибаси ва анъаналари билан ижодий уйғунлаштирилган, давлатимизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли учун хизмат қилишга арзигулик ҳужжат даражасига кўтарилган.

Лойиҳа матни кенг жамоатчиликнинг фикрини жамлаш имконини берувчи услубда тайёрланган. Унинг 1-боб 1-моддасини ўқишдаёқ жумҳурият фуқароси унинг қандай номланиши ҳақида ўз фикрини билдириши мумкин. Мен ҳам шу фуқаролар қаторида унинг фақат «Ўзбекистон» деб номланишини истар эдим. Назаримда Республиканинг асосий қонунида у бир ном билан аталиши ва халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқий субъекти сифатида фақат бир ном билан унга кириши халқаро ҳуқуқ қоидаларига ҳам мувофиқ келади.

Шу ўринда лойиҳанинг давлатимиз ташқи сиёсатига бағишланган 17-моддаси эътиборни тортади. Маълумки, давлатнинг ташқи сиёсати давлат манфаатларини халқаро миқёсда мухофаза қилишни, мамлакат мудофаасини таъминлашни, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришни ўз ичига олади. Бизнинг фикримизча, биринчидан, давлатнинг юқорида келтирилган вазифаларидан келиб чиқиб, ушбу модда матнини қисқартириш ҳисобига ихчамламоқ зарур. Иккинчидан, IV-бобга алоҳида модда қилиб Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсатини киритиш мақсадга мувофиқ.

Лойиҳада инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига кенг ўрин берилган. Унинг 18-моддасини оламда муқаддас ҳисобланган инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоялашнинг энг муҳим кафолати деб ҳисоблайман. Шу важдан мазкур кафолатнинг аҳамиятини янада ошириш мақсадида ҳатто шу моддадаги «Имтиёз ва афзалликлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт» ифодасини олиб ташлаш ҳам ўзини оқласа керак.

Ҳали ўтмиш конституциялари кўз олдимиздан кетганича йўқ. 1918 йили қабул қилинган биринчи Совет Конституциясида, ундан кейингилари, уларни тўғридан-тўғри кўчириш асосида яратилган Ўзбекистон Конституцияларида давлат аппаратини демократиялаштириш, унинг меҳнаткашлар билан алоқасини мустаҳкамлаш, конституцион талабларга барча мансабдор шахсларни сўзсиз бўйсундириш кўр-кўрона тарзда баён қилинган эди. Лекин биз шу СССРнинг биринчи Конституцияси қабул қилинганининг эртасигаёқ қонуннинг устиворлигини қарор топтириш мақсадида В. И. Ленин. Н. И. Бухарин, Ф. Э. Дзержинский, М. В. Фрунзе каби унинг ғоявий раҳбарлари, қатор давлат, партия арбоблари томонидан фавқулоддаги зарурият баҳонаси билан қонунлар Қонунининг четлаб ўтилганлигини, мавжуд четлаб ўтишлар эса вақтинчалик чоралар деб оқланиб, қатор қирғин тадбирларини ўтказганликларининг гувоҳимиз. Ҳатто СССР МИКнинг 1934 йил 10 июлидаги қарорига кўра НКВД тузилмасида Конституциядан юқори турувчи, суддан ташқари бўлган «Махсус йиғилиш» деб номланган орган унинг қатор қуйи тизимлари ташкил этилдики, улар минглаб фуқароларни айбсиз ва жиноят бўлмаган ҳолда жабрладилар. Қонуннинг устиворлигига КПССнинг XX съездидан кейин қайтишга яна ҳаракат қилинди. Минг афсуски то СССР парчалангунича у амалга ошмади. Инсон ҳуқуқлари унинг қонун олдида, у ким бўлишидан қатъи назар, тенглиги турли хилдаги иловалар, қарорларга кўра поймол қилинди.

Бизнинг Конституциямиз И. А. Каримов ўз китобида келтирганларидек, барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг ҳавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этишга хизмат қилмоғи лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда лойиҳанинг III боб 15-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади», — деб ёзилган. Бу ниҳоят даражада тўғри, қонуний давлатимизнинг пойдевори ролини ўйновчи иборадир. Барча фуқаролар Конституция олдида қонуний жиҳатдан тенг экан, «Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ўз фаолиятларида Конституция ва қонунларга амал қиладилар» деган жумла менимча ортиқча. Умуман қонун барча учун баб-баравар кучга эга экан, аҳолини Конституцияда мансабдор шахс, фуқаро деб ажратиш тўғри бўлмаса керак.

Лойиҳада миллий қадриятларнинг ўрни ва ролига алоҳида аҳамият берилганлиги қувончли, I-бобнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», — деб ёзилган. Назаримда 4-моддани юқорида келтирилганича сақлаб, матндаги унинг давомини тушириб қолдириш мақсадга мувофиқ бўлса керак. Чунки, унинг мазмуни умумий қонуний ҳолда лойиҳанинг V-боб ва 18-моддасида берилган.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги катта аҳамиятга эга. Бу қонун республикада миллий маданиятни, у билан боғлиқ бўлган миллий маънавий ҳаётни тиклаш, ривожлантириш, уни бойитишда ўзбек тилининг давлат тили сифатида ўрганилиши, у орқали фуқароларнинг ўзаро мулоқотда бўлиши жумҳурият ҳудудида яшаётган барча халқларни яқинлаштириш, бир-бирларига нисбатан ҳурматларини ошириш имконини беради.

Лойиҳанинг XI боб, 46-моддасида, «фуқаролар Ўзбекистон халқларининг тарихий ва маънавий, маданий меросини авайлаб асрашга мажбурлиги алоҳида таъкидланган. Мазкур модда республикамиз ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун интилаётган бугунги кунда айниқса муҳим.

Бундан ташқари қонунга кўчирилган миллийлик қадри лойиҳанинг XV боб 61-моддасида «Ота-оналар болаларининг вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», 63-моддадаги «вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» тарзида берилган. Юқорида келтирилган мазкур моддалар социалистик революциядан илгари ўзбек халқи одобининг оддий қонунларидан бири эди. Лойиҳадаги мазкур моддалар ота ва бола муносабатига оид бузилган миллий қадриятимизни тузатишга кўмаклашар, деган умиддаман. Чунки, ота ва бола меҳрига оид қонунлар халқ одобига айланиб қолади, деб ишонамиз.

Лойиҳада чинакам демократия учун зарур бўлган кўппартиявийликни амалда қарор топтириш, бир дунёқарашнинг якка ҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкура ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш бобида қатор моддалар диққатга сазовор. Яна бир мулоҳаза. Жамоат бирлашмалари бўйича бир-бирини изоҳловчи 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59-моддаларни 53-модда асосида уйғунлаштириб, қисқа ва аниқ бир модда шаклига келтириш мақсадга мувофиқ бўларди. Назаримда 58-модда тўлиқ социалистик анъана асосида яратилган. У талай мантиқий ва стилистик камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Масалан, шу модданинг 1-бандида «динлар ва диний бирлашмалар давлатдан ажратилган бўлиб, қонун олдида тенгдир», деб ёзилган. Биринчидан, дин ижтимоий ҳодисадир. У араб тилидан олинган бўлиб, эътиқод, ишонч деган маънони билдиради. Шундай экан, динни, яъни эътиқодни давлатдан ажратиш, у билан давлат оралиғида тенглик чизиғи ўтказиш, қонун олдида у билан давлатнинг тенглигини тан олиш зарурми? Энди диний ташкилотлар масаласига келсак, моддада уларнинг ҳам давлатдан ажратилганлиги, қонун олдида давлат билан тенг ҳуқуққа эга эканлиги ҳақида гапирилиб, яна давлат диний бирлашмаларининг фаолиятига аралашмаслиги қўшимча тарзда таъкидланган. Бизнингча, бу модданинг моҳиятини ҳам XIII боб-нинг 53-моддасига қўшиб таҳрир қилинса кифоя. Чунки, демократик давлат, унинг Конституциясидан ташқарида бирорта ташкилотнинг мустақил ҳолда бўлишини тан олиш илгариги мафкуралашган соҳта демократик қонунларга хос ҳолат. Эндиликда биз бундай номақбул тажрибани такрорламаслигимиз керак.

Лекин иқтисодий ва ижтимоий қонунлар бобидаги айрим моддаларга аниқликлар киритиш, айримларини ихчамлаштириш зарур кўринади. Масалан, 36-моддада ўтмиш конституцияларининг таъсири, мавҳумлик, масъулиятсизлик руҳи кучлироқ сезилади. Бу ҳолатдан қутилиш мақсадида модда матнини «Давлат ҳар бир шахснинг қонунда кўрсатилган тартибда меҳнат қилишини, касб танлашни, ишсиз қолган шароитда уни янги касбга тайёрлашни, иқтисодий жиҳатдан ҳимоялашни кафолатлайди, деб тузатилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. 39, 40-моддаларни ҳам таҳрир қилиш лозим.

Ноаниқлик 40-моддада учрайди. Бунда «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади» деб ёзилган. Бу масала бўйича ҳам бир талай фикрлар мавжуд. Бунда модда матнидан фақат умумий таълимгина бепул деган хулоса чиқади. Ўрта махсус, олий таълим-чи? Улар пулликми? Ҳаётимизга хўжалик юритишнинг янги механизмлари кириб келаётган шароитда авлод таълимини ташкил этишнинг хилма-хил шаклларидан фойдаланиш керак. Бу умумий таълим мактабларига ҳам, ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ҳам таллаўқли бўлиши шарт. Албатта улар таълимнинг қайси шаклидан фойдаланса ҳам давлат ёрдами ва ҳимоясига муҳтож. Шуни эътиборга олиб умумий, ўрта махсус ва олий таълим давлат назоратида бўлиб, у текин, қисман пуллик ва пуллик шаклида амалга оширилади, дейилса тўғри бўлар эди.

36-моддада иқтисодий ҳуқуқ ҳақида гап кетганда ишлаб даромад топиш ва даромадни ўз билганича ишлатиш ҳуқуқи ҳам айтиб ўтилиши керак.

38-моддани «пенсия ва нафақалар тирикчилик минимумидан оз бўлмаслигига иқтисодий имконият бўлганда» жумласи билан тўлдириш зарур.

Лойиҳанинг «Жамиятнинг иқтисодий негизлари» бобида маълум зиддиятлар бор. 50-моддада иқтисодий негизи — бозор хўжалиги...» дейилган. Бу назарий жиҳатдан мавҳум. Бу ерда Ўзбекистон иқтисоди маданийлашган, аниқ ижтимоий дастурга эга бозор иқтисоди бўлиб, унинг иқтисодий плюрализми, мулкларнинг ва хўжалик юритиш шаклларининг хилма хиллиги кўп укладли хўжаликлардан иборатдир, деб ёзиш керак. Шу моддада мулк ҳақидаги қонун моҳияти ҳам қисқа ва ихчам шаклда ёзилиши лозим.

Лойиҳанинг махсус моддаларида тадбиркорлик, тижорат эркинлиги ва сири, хорижий сармоянинг дахлсизлиги қонуний йўл билан кафолатланишини алоҳида кўрсатиш зарур. Хуллас, Конституциянинг XII бобига бир неча янги моддалар киритилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бундан ташқари лойиҳанинг 52-моддасида «Ўзбекистоннинг миллий мулки, давлат, жамоа, хусусий, шахсий ва улушдорлар мулкидан иборат ва хорижий мулкдан алоҳидалашган» деб қайд қилиш керак. Вилоятлараро маҳсулот ва моллар алмаштириш эркинлигини таъминловчи махсус моддани лойиҳага киритиш лозим.

Лойиҳанинг Давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига бағишланган бешинчи бўлими мукаммал ишланган бўлимлардандир. Унинг 74-моддасига «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиялилик асосида 5 йил муддатга» деган жумладан сўнг «...иқтисодни, ҳуқуқни, сиёсатни яхши билувчи мутахассислардан сайланадиган» 150 нафар депутатлардан иборат» деб таҳрир этилса, маъқул бўлур эди. Бу таклиф бошқа касб эгаларини асло камситмаслиги керак. Чунки «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган халқ мақоли бекорга айтилмаган. Айни вақтда Олий Мажлис қонун чиқарувчи орган бўлганлиги учун унинг аъзолари ўз сайланган давридаги ваколатлари тугагунча республика ҳудудида бирон-бир ҳақ тўланадиган фуқаролик лавозимига тайинланиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун билан ман этилиши керак. Акс ҳолда бир шахс ҳам қонун чиқарувчи органда, ҳам ижро этувчи органда фаоллик қилиши мумкин. Бундай ҳолат давлатнинг ҳуқуқийлигига путур етказади.

И. А. Каримов ўз китобида айтганидек, «кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар турмушга тадбиқ этилишини таъминлайдиган президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тақозо этади». Шунинг учун лойиҳанинг «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғидир», деган 88-моддаси жуда ўринли ва тўғри қонундир. Моддада назарда тутилган ҳуқуқий муштарийликнинг аҳамиятини биз бугунги кунда республикадаги осойишталикда, иқтисодий турмушимизда кўрмоқдамиз.

Лойиҳанинг 108-моддасида Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти ва у билан боғлиқ тизимларнинг ваколати 10 ва 5 йил деб чегаралланган. Бизнингча, уларнинг ваколати ўз мансабларини суиистеъмол қилишлари билан тугайди, деб ёзилса судьяларнинг қонун олдидаги жавобгарлиги яна ошган бўлар эди. Улар ваколатини қатъий 10 ёки 5 йил, деб белгилаш илгариги конституцияларимизнинг асоратларидан биридир.

Муҳокама қилинаётган лойиҳада молия ва бюджетга бори-йўғи икки модда берилган, холос.

Лойиҳанинг XXV боби тўғри номланмаган. Молия илмида бюджет молия таркибига кирувчи элемент ҳисобланади. Шу важдан бобни «Молия ва кредит» деб номлаш тўғри бўлур эди.

Лойиҳанинг 121-моддасининг «Солиқни жорий қилишга» деб бошланувчи жумласини «Солиқлар жорий қилишга ва уларни ўзгартиришга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли. Солиқлар фақат давлат ва маҳаллий бюджетга тушади, уларни ишлатиш қонун билан белгиланади» деб таҳрир қилиш керак. Унинг 122-моддасини эса «Ўзбекистон Республикасининг кредит тизими турли банк, бошқа ташкилотлардан иборатдир ва уни Республика Марказий банки бошқаради. Кредит тизимининг фаолиятини давлат назорат қилади ва тартибга солиб туради. Кредит системасига тааллуқли ўзгартишларни киритишга фақат Республика Олий Мажлиси ҳақли» деган жумла билан тўлдирилгани маъқул.

XXV бобга алоҳида янги модда киритиб, уни «Ўзбекистон Республикасида пул, қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва улар муомаласини тартибга солиш Республика Марказий банкининг вазифасидир. У бу ишлар юзасидан Республика Олий Кенгаши олдида жавобгардир» деб ёзишни таклиф этамиз.

Бу бобга «Ўзбекистон ҳузуридаги барча ҳорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг пул ва қимматбаҳо қоғозлари мол-мулклари уларнинг қандай шаклда бўлишидан қатъи назар уларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади» деган янги бир модда киритиш керак.

Албатта, лойиҳада ёзилганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирданбир манбаидир. Айни вақтда халқ мавжудлигининг бирдан-бир таянчи, кафолати давлат ҳамдир. Шунинг учун мазкур давлатнинг Асосий қонунлар тўплами қанчалик пишиқ бўлса, халқ ундан шунчалик манфаат кўради.

М. ШАРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент молия институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республика Фанлар академияси мухбир аъзоси.

• *ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас*

ЖАМОАТЧИ КОТИБЛАР

Марғилон тарихий-маънавий ва иқтисодий анъаналарга эга шаҳар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар кенгаши ўз фаолиятида шаҳар ҳаётининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб ишламоқда.

Айни пайтда шаҳардаги 52 та ХДП бошланғич ташкилоти бозор иқтисодиёти шароитларида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини ташкил этиш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, турли миллат кишиларининг аҳил-иноқ яшашларини таъминлашда фаол ишлар олиб бормоқда. «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг атрофига 375 нафар ХДП аъзоси жипслашган. Бу ердаги цех партия ташкилотлари бирлашма корхоналари ва цехларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, мафкуравий тадбирларни ўтказишда ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқмоқда. Бирлашма бош директори, ХДП аъзоси Шерали Қодиров партия ташкилоти билан бамаслаҳат иш олиб бораяпти. Бу эса корхона эришаётган ютуқларнинг гарови бўлмоқда. «Қизил тонг» фабрикаси, трактор таъмирлаш, ёғочсозлик ва механика заводлари, қатор бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам ХДП бошланғич ташкилотларининг иши яхши йўлга қўйилган.

Партия аъзолари сафининг ўсиб бориши, фаолият доирасининг кенгайиши эса янада катта миқёсдаги вазифаларни амалга ошириш заруриятини қўймоқда. Аммо ХДП шаҳар кенгашининг ихчам аппарати шаҳар ҳаётининг барча соҳаларини назорат қилиб, уларни маълум мақсадга йўналтириб туришда муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Маълумки, илгари партия қўмиталарида турли соҳалар бўйича котиблар иш олиб борарди. Албатта ўтмишда бўлган ижобий тажрибаларнинг ҳаммасидан воз кечиш маъқул иш эмас. Айниқса партиявий ишларда эски тажрибаларни, агар улар иш юритишга ёрдам берса, дадил қўллайвериш керак.

ХДП Марғилон шаҳар кенгаши ўз пленумларидан бирида кенгашнинг ташкилий тизимида жамоатчи котиблар мақомини жорий этишга қарор қилди. Жамоатчи котиблар ўзлари масъул бўлган соҳадаги партиявий ишларни мувофиқлаштириб борадилар. Шу соҳага оид ташкилий ишлар, ўтказилажак тадбирлар хусусида кенгаш олдида ҳисоб берадилар. Бу тажриба ўз ижобий натижаларини бермоқда. Шаҳардаги ипакчилик бирлашмаси ХДП ижроия бюроси котиби Х. Абдуллаев шаҳар саноатидаги аҳвол, унинг муаммолари, тараққиёти масалалари хусусида кенгашга ахборот бериб боради. Шунингдек, саноат корхоналаридаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатган. Эндиликда ишчилар синфи орасидаги ХДП аъзолари ўзларини тўлқинлантираётган муаммолар, ўй-ташвишлари билан ХДП шаҳар кенгашининг саноат бўйича жамоатчи котиби Х., Абдуллаевга мурожаат этмоқдалар. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари Ш. Усмонова соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари бўйича жамоатчи котиб, шаҳар ҳокими ўринбосари У. Отабоев эса маҳаллалар, депутатлар кенгашларининг иши бўйича жамоатчи котиб этиб сайланганлар. У. Отабоев шаҳар кенгашидаги ХДП аъзоси бўлган депутатларнинг фаолиятларини ҳам мувофиқлаштириб боради.

— Жамоатчи котиблар шаҳар кенгаши ишини жонлантириш режаларимизни изчил амалга оширишда бизга катта кўмак бераяпти, — дейди Халқ демократик партияси Марғилон шаҳар кенгашининг биринчи котиби У. Собиров. — Улар пленумлар ва ижроия бюро йиғилишларига муҳокама учун масалалар тайёрлаш, қарорларнинг пишиқ-пухта бўлишини таъминлаш ва умуман шаҳар ҳаётининг барча соҳалари ҳақида ХДП шаҳар кенгашида аниқ ва равшан тасаввур ҳосил қилишда муҳим ўрин тутмоқдалар.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Оқ олтин райони марказидаги Ўзбек — Италия қўшма корхонасининг дастлабки фабрикаси «Каррера» шимларини ишлаб чиқармоқда. Сифати ҳам бинойидек. Яқинда фабриканинг ўн ишчиси Италияга бориб тикув сирларини ўрганиб келганлиги эса нур устига аъло нур бўлди.

Суратда: Қуббимтош Иброҳимова тикувчиликда катта тажрибага эга. У ёшларга касб сирларини қунт билан ўргатмоқда.

Б. ТУРАЕВ олган сурат. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти «1992 йил 1 октябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1992 йил 8 октябрда чиқарган Фармонига мувофиқ иш ҳақининг солиқ олинмайдиган энг кам миқдори оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 1 октябрдан бошлаб, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тузатишлар киритилгунга қадар фуқаролардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини қуйидаги миқдорларда жорий этиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин:

Солиқ солинадиган йиллик даромад миқдори (солиқ олинмайдиган энг кам миқдор — 24000 сўм чегирилган ҳолда)	Солиқ солинадиган ойлик миқдори (солиқ олинмайдиган энг кам миқдор — 2000 сўм чегирилган ҳолда)	Солиқ миқдори	
		Йиллик даромад миқдорига кўра	Ойлик даромад миқдорига кўра
72000 сўмгача	6000 сўмгача	Даромад миқдорининг	12 фоизи
72001 сўмдан 96000 сўмгача	6001 сўмдан 8000 сўмгача	8640 сўм + 72000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи	720 сўм + 6000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи
96001 сўмдан 120000 сўмгача	8001 сўмдан 10000 сўмгача	12240 сўм + 96000 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи	1020 сўм + 8000 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи
120001 сўмдан 180000 сўмгача	10001 сўмдан 15000 сўмгача	17040 сўм + 120000 сўмдан ортиқ пулнинг 30 фоизи	1420 сўм + 10000 сўмдан ортиқ пулнинг 30 фоизи
180001 сўмдан 240000 сўмгача	15001 сўмдан 20000 сўмгача	35040 сўм + 180000 сўмдан ортиқ пулнинг 40 фоизи	2920 сўм + 15000 сўмдан ортиқ пулнинг 40 фоизи
240001 сўм ва ундан ортиқ	20001 сўм ва ундан ортиқ	59040 сўм + 240000 сўмдан ортиқ пулнинг 50 фоизи	4920 сўм + 20000 сўмдан ортиқ пулнинг 50 фоизи

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Қонун лойиҳасини тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЯЎЛДОШЕВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФУҚАРОЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ТАКЛИФИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистонга четдан келтириладиган ёнилғи-энергетика ресурслари қимматлашиши муносабати билан ва республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдини олиш чораларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти «1992 йил 1 октябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» Фармон қабул қилган эди. Фармонга мувофиқ фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 2000 сўм миқдорида белгиланган. 8 минг сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг энг кам миқдори (12%) белгиланган. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси ойига 8 минг сўмдан ошадиган иш ҳақига қуйидаги миқдорларда табақалаштирилган тарзда солиқ солиш тўғрисида таклиф киритди:

Солиқ солинадиган ойлик даромад миқдори (солиқ олинмайдиган энг кам миқдор чегирилган ҳолда)	Солиқ миқдори
6000 сўмгача	даромад миқдорининг 12 фоизи
6001 сўмдан 8 минг сўмгача	720+6000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи
8001 сўмдан 10000 сўмгача	1020 сўм % 8000 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи
10001 сўмдан 15000 сўмгача	1420 сўм + 10000 сўмдан ортиқ пулнинг 30 фоизи
15001 сўмдан 20000 сўмгача	2920 сўм + 15000 сўмдан ортиқ пулнинг 40 фоизи
20001 сўм ва ундан ортиқ	4920 сўм + 20000 сўмдан ортиқ пулнинг 50 фоизи

Масалан: фуқарога октябрда 9000 сўм иш ҳақи ёзилган. Даромад солиғи қуйидаги тартибда ҳисоблаб чиқилади:
1) 9000—2000=7000 сўм.
2) 720 + 150 (1000x15%)= 870 сўм

Демак, 9000 сўм иш ҳақидан

Айни чоғда, жорий йилнинг сентябрь ойида амалда бўлган даромад солиғи ставкалари жадвалига ва солиқ олинмайдиган энг кам миқдор 1250 сўмга кўра, иш ҳақидан олинадиган солиқ миқдори 1680 сўмни ташкил этган, бу қуйидаги ҳисоб-китобдан кўринади:

1) 9000 — 1250 = 7750 сўм
2) 480(4000 x 12%) + 200 (1000x20%) + 300 (1000x30%) + 700 (1750x40%) = 1680 сўм

Шундай қилиб, 1992 йил 1 октябрдан бошлаб амалда қўлланилаётган ставкалар жадвалига мувофиқ 9000 сўм олинадиган даромад солиғи иш ҳақидан олинадиган солиқ миқдори фуқаролар фойдасига деярли икки баравар (48,2 фоиз) камаяди.

Солиқ суммаси таклиф этилаётган жадвал бўйича жорий йилнинг сентябрь ойида амалда қўлланилган жадвалга биноан ҳисоблаб чиқарилган солиққа нисбатан камайиши фуқаролар олиадиган даромад миқдорига қараб 20 фоиздан 60 фоизгача бўлади.

Ўриндошлик бўйича ишлаётган фуқаролардан олинадиган даромад солиғи миқдорини ҳисоблаб чиқаришда 870 сўмни ташкил этади.

да даромад солиғи юқорида кўрсатилган ставкалар бўйича солиқ олинмайдиган энг кам даража қўлланилмасдан ҳисоблаб чиқилади ва ушлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 25 августдаги VII-458 рақамли фармонига мувофиқ шу йилнинг сентябрь ойида даромад солиғи миқдорини ҳисоблашда қўлланилган солиқ олинмайдиган энг кам даража ойига 1250 сўм эди. Бунда даромад солиғининг 12 фоизли энг кам меъёри ойига 5250 сўмгача бўлган иш ҳақидан, ёки солиқ солинадиган 4000 сўм даромаддан (5250—1250) белгиланган эди. 4000 сўмдан ортиқ солиқ солинадиган даромаддан олинадиган солиқ «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги ва «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1992 йил 2 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан қабул қилинган ставкалар бўйича ҳисобланади.

„МУШТУМ"-МЕХМОНИМИЗ

ҲАНГОМАЛАР

Ака-ука Абдулло ва Аҳмадалилар Олтиариқдан, бодрўнг етиштиришни яхши кўришади. Лекин қизиқчиликни ҳам селитрасиз дўндиришга уста. Элни сал кулдирайлик деб изланишда. «Муштум»да илк чиқишлари. Сизларга маъқул бўлса яна чиқарамиз.

ЭПЧИЛ КОТИБА



Амалдор эрни рашкчи хотини тергов қилиб қолибди:

— Янги котиба олибсиз!..

— Ҳа, янгилаб олдик.

— Нима, эскиси қариб қолдими? Чиройлими?

— Нима десам экан, тузук. Чиройи ҳам... жуда унчаликмас, ўртача.

— Ёшми?

— Ёш... ёши ҳам ўртача.

— Қанақа кийинади?

— Уми? — эр талмовсираб жавоб қилибди. — У жуда тез кийинади.

ҲИЙЛА

Абдураим тоға «Запорож»ида кетаётиб, олдиндаги «Жигули»ни уриб, пачоғини чиқариб қўйибди. «Жигули»нинг ҳайдовчиси Абдурайим тоғага дўқ ура кетибди:

— Расво қилдингиз-ку! Кўзми ё пўстакнинг йиртиғими? Тўлайсиз, тузатиб берасиз, бўлмаса милисага айтаман, прокурорга арз қиламан!..

Абдурайим тоға ҳам бўш келмабди:

— Нимага ваҳима қилясан? Мошин темир нарса бўлса... Темир топилади, одам топилмайди. Ўзинг соғ қолдинг, худога шукр қил, ўғлим. Бақа юр, яхшиси! — деб ҳайдовчини етаклаб мошинининг олдига олиб келибди. Ўриндиқдан битта ароқ олиб, пиёлага тўлдириб қуйибди.

— Қани ука, кўтар, соғ қолганимизга! — деб йигитга пиёлани узатибди.

Йигит тушмагур соддароқ экан, пиёлани зумда бўшатиб берибди. Абдурайим тоға шошмасдан арақнинг қопқоғини беркитиб, жойига солиб қўйибди. Йигитнинг кўзлари олайиб кетибди.

— Ўз... ўз... ўзингиз ич майсизми, тоға? — дебди дудуқланиб.

— Нимага ичарканман? Мени жинни, деб ўйлаяпсанми? Ҳозир милисалар келади, тўқнашув сабабларини таҳлил қиламиз! — дермиш Абдурайим тоға кулимсираб.

ЧЕКИШИНГИЗ МУМКИН

Бир майор тозаликни текшириб юриб, сигарет қолдиғига кўзи тушиб қолибди. Дарҳол навбатчини чақирибди.

— Ким ташлади?

— Билмайман, — жавоб қилибди навбатчи.

— Эгаси топилсин. Менга ахборот берилсин! — майўр буйруқ қилибди.

Навбатчи атрофни айланиб, сўраб-суриштириб, эгасини тополмабди. Келиб майўрга жавоб қилибди:

— Ўртоқ майўр, сигарет қолдиғининг эгаси топилмади. Бемалол олиб чекишингиз мумкин!

(Ака-ука Акбаровларнинг қизиқарли ҳангомалари билан «Муштум»нинг 19—20 сонларида тўлиқ танишишингиз мумкин).

• *Тилга эътибор-элга эътибор* •

ТОШ ВА ТИШ

Бухоро—Андижон поездида юмшоқ вагонда маза қилиб кетаман, деб ўйлабман. Тирқишдан ғуриллаб кираётган совуққа чидаб бўлмади. Вагон ойнасининг соғи йўқ. Бир иложини қилиб, етиб оларман, дея тишни тишга қўйиб кетаётган эдим. Қўшни купега тош тегиб, ойнасининг қолгани ҳам чил-чил бўлди, бир йўловчи билан ёш бола жароҳатланди. Бу ҳақда куйиниб Тошкент темир йўл бошлиғига ёзган эдим. Кўп ўтмай 30-рақамли жавоб хати келди. Уни очиб кўриб тишимга тош теккандек бўлди. Хат бошдан оёқ ўрис тилида ёзилган.

Йўловчилар ташиш хизмати бошқармаси бошлиғи Р. Дадахўжаев жимжимадор имзо қўйиб қўйибди. Ёзишма қоғознинг пешонасига қарасам, СССР давлат тамғаси туширилиб «Министерство путей сообщения СССР», «Управление Среднеазиатской ордена Октябрской революции железной дороги» деб қўйилган. Ўзимнинг манзилгоҳим ҳам ўрисча кўрсатилган. Балиқ бошидан сасийди, деганлари рост экан. Ахир, кимсан Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси каттасининг давлат тилига муносабати шундай бўлса, бошқалардан нима кутамиз!

М. МАМАЖОНОВ,
Хонобод шаҳри.

топчи, биз киммиз?

Расмларни Ҳабибулло РАҲМАТУЛЛАЕВ ва Мирсанд ҒОЗИЕВ чизган.

МУСАҲҲИҲ ЯНГЛИШГАНДА...

Тузқаймоқ (музқаймоқ).

Чайқовбости ичимликлар (чанқовбости).

Ғажвчилар танлови (ҳажвчилар).

Танглик таъминлансин (тенглик).

Муҳаммад АЛИ

Муҳаммад Али жумҳурнятимидаги барча хонадонларга ўз китоблари орқали кириб борган. Шоиримизнинг китоблари етмай қолганлар (кўп китоб чиқаришнинг иложи йўқ-да) ойнаи жаҳон, овознигор, газит-журноллардаги чиқишлари орқали яхши танишади.

Бугун шоир ва ёзувчи Муҳаммад Али эллик ёшда. Айни ижоди гуркираб яшнаб турган пайт. Мабодо биттаиккита танимайдиганлар учраса, уялиб қолмасин деб, ижодидан намуналар илова қилаётирмиз. Яна у кишини Халқ ёзувчиси юксак унвонига сазовор бўлгани билан ҳам табриклаб, қўлини сиқиб қўйиш ёдингиздан чиқмасин-а!

ЁН ДАФТАРДАН

Ёзувчи — Насриддин Афандининг нақ ўзгинаси. У ўзи тўқиб чиқарган қаҳрамонларга ишониб яшайди.

* * *

Сув — оби ҳаёт, сувсиз дунёда ҳаёт йўқ, бор мавжудот сув билан тирик. Ҳали инсон экан-ку, сувсиз ҳатто адабиёт ҳам яшай олмайди!

* * *

Истеъдоди йўқ одам унинг ўрнини нима биландир тўлдиришга ҳаракат қилади. Кўп ҳолларда ўша нарса ҳасад бўлиб чиқади.

* * *

Бир ёш эр-хотин бекатда туришар, аёл чақалоқ кўтариб олган, эрнинг бир қўлида тугун, иккинчи қўлида яна алланималар бор эди. Троллейбус келганда, ҳамма ўзини эшикка урди. Аёл ҳам чиқиб олди. Энг охирда қолган эр зинага оёқ қўйган ҳамоно чўнтагидан тангалар сочилиб кетди ва у эгилиб тирқираган тангаларни теришга тушди. Ичкарида одамлар безовта бўла бошлади. Тангаларини териб улгурмаган эр куймаланиб троллейбусга чиқиб келар экан, хотин:

— Мен сизга минг марта айтаман... — деяётган эди, эр:

— Минг марта айтгандан кўра, бир марта тикиб қўйиш керак эди!.. — кесди шартта.

Бутун троллейбус гурр этиб кулиб юборди.

* * *

Бир киши қаттиқ хуррак отарди. Уни хуррак отма, деб уйғотсалар: «Э... хуррак отдимми? Хўп... Хўп... Хў-п.., Хў-ў-ў-п...» дерди-ю «хўп»нинг учинчисиёқ яна хуррак бўлиб чиқарди.

* * *

Мойлаб қўйсанг, ҳатто тил-забонсиз эшик ҳам ғирчилламай қолади.

* * *

— Бугун ҳаво очиқ бўлади, кеча радёда шундай дейишди, — деди Насриддин Афанди ёнидаги ҳайдовчига. Иттифоқо, шу пайт ёмғир томчилари мошин ойнасига урилмоқда эди. Ҳайдовчи ўшанга ишора қилиб:

— Ёмғир ёғяпти-ку! — деди.

— Ёпирай! — Насриддин Афандининг ҳайрати чексиз эди. — Шулар ҳам адашишар экан-а!..

* * *

Буюк фаранг адиби Оноре де Балзак туриб кетмай деб кетига курсини боғлаб олар экан, дейдилар. Бизда ўша курсини боғлаб қўядиган жойнинг ўзи йўқ, танбаллигимиз шунча...

* * *

«...Изм»лар измида изма-из юриб, издан чиққанимизни билмай қолибмиз.



• *Журналист ён дафтаридан*

ҲОСИЛ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

«Оқ олтин» мавсумининг ҳал қилувчи тнғиз палласи бошланди. Бундай кезларда хўжалик бригадиридан тортиб, вилоят ҳокимигача тиним нималигини унутадилар. Шоир таъбири билан айтганда, ҳақиқий пахтакорнинг «уйқусида ҳам «оқ олтин». Раҳбарлар эса мавсумнинг энг оғриқ нуқталарига, одамлар орасига, пахта усталарию, матонатли теримчилар ҳузурига отланадилар.

Шу куни вилоят ҳокими С. Сайдалиев, Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов Оққўрғон райони хўжаликларида бўлиб, терим тақдири билан қизиқдилар. Мавсум қаҳрамонлари ва «орқада қолаётган»лар билан суҳбатлашишди. Уларга иқтисодий ва ташкилий масалаларда маслаҳат ва кўмак беришди. Бу— шу оғир кунларда оддий одамларга катта куч, маънавий қувват бағишлади.

Илгаригидек шаҳарлик ҳашарчиларни ёппасига пахтага «ҳайдаш»нинг ҳозир ўрни эмас. Ҳар бир ишчи ўз жойида зарур. Вақт эса ғанимат. Бунинг устига хўжалик деҳқонлари ҳам йил бўйи машаққат билан етиштирган ҳосилини ўзлари теришмоқчи — ҳашарчига «нон» бергиси йўқ. Бир қарашда улар ҳақ. Аммо минг афсуски...

Жойларда қўлда терилган бир килограмм пахтага 5 сўм пул, 200 грамм шоли ва 200 грамм буғдой берилмоқда. Иш унуми эса ўртача. Хўш, бу нимадан далолат? Одамлар шу даражада тўқми ёки жуда бойиб кетишганми?

Иқтисодий мушкуллик билан ижтимоий муаммони солиштирсак, масала бирмунча ойдинлашади. Шаҳарда ойликда кун кўраётганлар қимматчиликка дош беролмаяптилар. Қишлоқда эса мол-ҳоли, томорқаси бор. Аммо барибир нолишади. Яна сабабини қидирамиз. Сабаби, хонадон учун шакар-қанд, нон-чой, ун-гуруч зарур. Булар қишлоқ магазинларида аҳқонинг уруғи. Борлари ҳам талонга, рўйхат билан.

Шаҳар бозорига 80—100 килограмм ерёнғоқ олиб тушган «деҳқон» бир килосини ўртача 80—100 сўмдан сотган тақдирда ҳам зиён кўрмайди. Бунинг устига ҳалиги қишлоқ дўконидан топилмаган маҳсулотлар шаҳарда — чайқов бозорида сероб. Мана энди бир килограмм пахтага 5 сўм пул, 200 грамм шоли, 200 грамм буғдой берилган жойларда ҳам меҳнат унуми нега пастлиги, теримда ишчи кучи нега камлиги бирмунча ойдинлашгандир.

Илгариги «оқ мавсум»нинг ўзига хос яхши анъаналари бўларди. «Ҳамма азаматлар пахтакорларга, ҳамма ҳолис хизматлар эса пахтакорларга!» эди. Ҳозирчи? Кўчма савдо дўконлари-ю санъат усталарининг дала концертлари деҳқонлардан юз ўгирган чоғи. Одамларни йиғим-теримга жалб этиш учун фақат моддий таъминотнинг ўзи камлик қилади. Етиштирилган ҳосилнинг 15 фоизи ва пландан ортиғининг ҳаммаси хўжаликлар ҳисобига қолдирилиши республика Президенти Фармони билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳозирги мураккаб шароитда буни деҳқонлар яхши тушунишади. Аммо, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш энг долзарб масала эканлиги жойларда унутилиб қўйилаётир.

— Далада ишлайдиганларга осон эмас, — деди район ҳокими Нодир Бердиқулов. — Бир килограмм пахтани териб олиш учун 333 чаноққа қўл узатса, ҳар бир чаноқдаги пахта 3—4 граммданни ташкил этса, ҳар туп ғўзада 35—40 тадан очилган кўсак борлигини назарда тутсак, билинг, теримчига қанчалар машаққатли. Демак, яна қувончлиси шундаки, халқимиз шунча пахтани не-не машаққат билан етиштириб қўйган.

Районимиздаги қатор хўжаликлар машинада терилган пахтанинг ҳар тоннасига —200-300 сўмгача, қўлда терилганининг ҳар бир килограммига 3-4 сўмгача пул тўлаётган бир шароитда теримда қатнашаётганлар қанча даромад қилишини ҳисоблаб чиқиш учун иқтисодчи бўлиш шарт эмас. Баъзи хўжалик раҳбарларининг бўшанглиги туфайли шу тайёр маҳсулотни йиғиштириб олиш кечикаётганлигини аниқлаяпмиз.

Ҳозирги терим тақдири ишни қандай ташкил эта билишга боғлиқ. Вақт кутиб турмайди. Айрим ишчи кучи кам хўжаликларга ёрдамчилар жалб этдик. Жойларга район ҳокимиятининг масъул ходимларини юбордик. Улар хўжалик раҳбарларига тегишлича ёрдам берадилар. Катта қийинчилик билан етиштирган ҳосилимиз ерда қолмайди...

Тўғри, Оққўрғон райони ва райондаги айрим хўжаликларнинг орқада қолаётганига маълум даражада баҳорги об-ҳаво, пахтанинг кеч етилиши ҳам сабабдир.

Теримда уюшқоқликка эътибор берган, ишчи ва механизмлар кучидан оқилона фойдаланган А. Икромов номли, А. Навоий номли, Й. Охунбобоев номли колхозларнинг азамат пахтакорлари районда биринчилардан бўлиб маррага етиб келдилар ва йиллик планнинг 105 — 110 процанти миқдорида ҳосил йиғиб-териб олишга эришдилар, «Гулистон», С. Сегизбоев ва Ҳ. Олимжон номли хўжаликларнинг мирошкорлари эса маррага яқинлашиб қолдилар.

Бугунги кунда район хўжаликлари ҳисобидаги 333 та «зангори кема», 1260 та тележка, 57 та юклагич, 333 та транспорт тракторларининг қувватидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Пахта далаларида эса 14 минг нафар теримчи қатнашмоқда. Кунлик ўсиш 670 — 680 тоннани ташкил этаётир. Мавсум бошидан бўён уюлган хирмон 40.979 тоннага етди. Йиллик план бажарилиши учун эса атиги 4921 тонна пахта териш керак холос. Теримчилар, механизаторлар, бригада ва хўжаликлар ўртасида ташкил этилган мусобақалар ва ғолибларга аталган мукофотлар салмоғи чакки эмас. «Оқ мавсум»нинг белгиланган бу тадбирлари иш суръатига суръат қўшаётгани қувончли албатта. Катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир мисқоли ҳам ерда қолмаслиги керак.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

ОҲ, БЕЧОРА ҚАЙНОНАЛАР

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

• ТЎПЛАГАН ВА ТЎҚИГАН ЛАТИФАЛАР

ҚАЙНОНАСИ ЎЛГАН КЕЛИН

Келин келиндан сўрабди:

— Дугонажон, қайнонангизнинг ўлигини кремоторийда куйдирасизларми ёки кўмасизларми!

— Менга қолса олдин куйдириб, кейин кўмсак дейман...

ҚАЙНОНА ЎЛАЁТГАНИДА

Бир кампир жон таслим этиш асносида ётганида келини тепасида оғзига сув томизиб ўтирган экан. Шифтда пашша айланиб қолибди. У қай томонга учса, кампир ўша томонга қарар эмиш. Буни кўрган келин ташвишга тушиб дебди:

— Ойижон, қўйинг, алаҳсиманг... алаҳсиманг...

ҚАЙНОНАНИ КУЗАТГАН КЕЛИН

Оппоқ кўйлаги қоракуяга беланган бир жувон кўчада кетиб борар экан, унга дуч келган дугонаси сўрабди:

— Бу қанақаси бўлди, ўртоқжон! Тинчликми!

— Вокзалдан келяпман, — дебди қоракуяга беланган жувон кулиб. — Қайнонамни кузатиб қўйдим.

— Ҳа, нега ҳамма ёғинг қоракуя!

— Паравозни қучоқлаб ўпдим.

ҚАЙНОНАГА ТЕЛЕВИЗОР

— Битта телевизор учун ярим умримни беришга тайёрман, — дебди қайнона.

Келин унга иккита телевизор совға қилибди.

АРМОНДА ҚОЛМАЙСИЗ...

АГАР «МУШТУМ»НИНГ 70 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНАДИГАН ЙИЛДА БУ ЖУРНАЛГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ

Мамлакатимизда чиқадиган ягона ҳажвий журнал — «Муштум» 1993 йилда 70 ёшга тўлади. Синчков ўқувчи эътибор бераётган бўлса, журналнинг шу кунларда чиқаётган сонларида ҳам «Тўйбобонинг олтин сандиғи» рукни остида етмиш йил ичида чоп этилган дурдона асарлар танлаб берилмоқда. Уларнинг энг қизиқарлилари, табиийки, юбилей йили сонларида чоп этилади. Шу маънода 1993 йил учун «Муштум»га обуна бўлганлар етмиш йиллик «қаймоқ битик»лардан баҳраманд бўлишади, дейиш мумкин.

Хўш, «Муштум» ўзининг етмишинчи йилини қандай қаршилаяпти? Албатта, обуна мавсуми қизғин давом этаётган шу кунларда журнал таҳририятида ишлаётган ижодкорларнинг ҳар бир каломи обунага чорлов тарзида эшитилиши мумкин. Лекин «Муштум»га муносабатни биз энг аввало идорамизга келаётган мактублар орқали аниқласак холис иш тутган бўлардик. Хатларда эса ҳаётнинг ўзи каби бўяб-бежалмаган, жонли гапларни ўқиш мумкин. «Иқтисодий қийинчилик замонда ҳам «Муштум» севимли журналимиз бўлиб қолган» деб ёзади Избоскан туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг Боғ маҳалласидан Одина Тўйчиева. Зомин туманининг Иттифоқ қишлоғидан мактуб йўллаган Ўткир Хўжабеков эса «Муштум» нафақат менга, бутун оила аъзоларимизга ҳамдард ва ҳамфикр» деб ёзибди. «Ёшим 42 да, — деб қалам тебратади Мирзачўл туманидаги Мирзо Улуғбек номли 9-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Абдусалом Усмонов, — Ишдан чарчаган пайтимда «Муштум»ни ўқиб дам оламан, бамисоли ажойиб томоша кўргандек ҳузур қиламан..

Бу сатрларни ўқиганда журнални тайёрлашдаги чарчоқларимиз тарқаб кетади.

Тўғри, ҳозир пул қадрсизланган, ҳамён эса ориқлаб қолган давр. Лекин ҳамма нарса нисбий олинади. Айтайлик, Москвада нашр этилаётган баъзи матбуот нашрларига обуна бўлиш учун ярим йилга 500—600 сўм талаб қилинмоқда (баъзиларига умуман ёзилишнинг иложи йўқ), шундай бир шароитда «Муштум»ни йил бўйи олиш учун атиги 120 сўм тўлаш деярли ҳеч нарса эмас. Қолаверса бир умр «Муштум» саҳифаларини варақлаб қаҳ-қаҳ урриб келган халқимиз қадрдон нашрининг етмишинчи йилида оқибатни намоён этса керак.

«Муштум» — бу фақат 16 варақли рангдор нашрнинг ўзи эмас. У ҳамиша халқимиз орасида кулгу дарғаси бўлиб келган. Биргина 1992 йилда унинг бевосита ташаббуси билан Қашқадарёнинг «Кўкдала» давлат хўжалигида кулги кунлари ўтказилди, Қўқонда аскиябоз ва қизиқчилар танлови ташкил этилди, Бухоро шаҳрида Хўжа Насриддин кунлари байрам қилинди. Хоразмдаги Бўзқалъа қишлоғида журнал асосчиларидан бири Абдулла Қодирий боғи гуркираб яшнамоқда. Муштумчилар халқ нафаси яққол уфуриб турган турли учрашув ва сайилларда фақат одамларни кулдирибгина қўймай, айни пайтда меҳнаткаш эл дардига қулоқ осишга ҳаракат қилади.

ОМАД ЁР БЎЛСИН

Етмишга кирсаям норғул йигитдек «Муштум» «муштумзўрлиги»ни давом эттирмоқда. Унинг дулдулини оти —Ғирот, шамшириники эса — Адолат. «Муштум»бойнинг Адолат шамшири Мустақил мамлакатимиз учун хизмат қилаверсин.

Биз унга бор овозимиз билан омад тилаймиз!

Миттивой

СОҒИНЧ

Фотоаппаратн бор,
Ён қўшнимиз Пирматни.
Кўчамизда боғчада,
Одобли ва ҳурматли.
Бувижоним — Тошкентда,
Уни кўргим келади.
Кириб кеча тушимга,
Суратимни сўради.
Бугун суратга тушдим,
Кўриб ҳайрон қоласиз.
Унда қизиқ бир сир бор,
Кейин билиб оласиз.
Жуда ҳам яқин кунда,
Бувим уни олади.
Қуруқ дарахтни кўриб,
Бироз ўйга толади.
Бу пайт бирдан дарахтни,
Чиқаман панасидан.
Тўйиб ўпич оламан,
Ойимнинг онасидан.

ДУНЁ ОВОЗИ

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ВЕНГРИЯДА

◆ Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Буюк Британияга ташрифини якунлаб, Венгрияга келди.

Россия Президенти Буюк Британияда бўлган чоғида мамлакат бош вазири Ж. Мейжор билан суҳбатлашди. Россия Федерацияси ва Буюк Британия ўртасида муносабатларнинг принциплари ҳақида шартнома имзоланди.

ЯНГИ ВАЗИР

◆ Латвия парламенти мамлакатнинг янги ташқи ишлар вазирини тайинлади.

60 ёшли Георгс Андреевс ташқи ишлар вазири бўлди. У ихтисослиги бўйича шифокор.

МУОМАЛАДА ЯНГИ ПУЛ

◆ Польша миллий банки 2 миллион злотийлик янги пулни муомалага киритди.

Шу вақтгача мамлакатда энг йирик пул бирлиги 1 миллион злотий эди.

НАРХ-НАВО ОШДИ

◆ Санкт-Петербургда шаҳар транспортида юриш ҳақи 10 ноябрдан бошлаб оширилди.

Йўловчи метрода юриш учун 3, автобус, троллейбус, ва трамвайда юриш учун эса 2 сўм ҳақ тўлайди.

МОЛДОВАда тайёрланаётган вино, коньяк, ва бошқа алкоголли ичимликларнинг нархи эса икки баравар оширилди. «Кишинев» коньяги энди минг сўм туради.

ОЛИЙ ЖАЗОГА ҲУКМ ЭТИЛДИ

◆ Бирлашган Араб Амирликлари олий қозиёти ҳукм чиқарди:

3 тоннадан кўпроқ наша олиб келган уч покистонлик ўлим жазосига маҳкум этилди. Бу мамлакат тарихида гиёҳфурушлик ва ўғиринча мол сотишга қарши илк марта қўлланилган олий жазодир.

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТГА МАДАД

◆ АҚШ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастурида қатнашаётган саккиз муассасасига 252 миллион доллар пул ажратди.

Мамлакат вакили Э. Маркс бу воқеани шарҳлаб, биз ихтиёрий сарф-ҳаражатлар воситасида сайёрамизда барқарор келажакни таъминлаш дастурига бошчилик қилаётган халқаро ҳамжамиятга мадад бераётирмиз, деди.

(Жаҳон ахборот агентликларн ва рўзномалар хабарларн асосида тайёрланди).

• *Обуна-93*

300 ХОНАДОНГА БЕПУЛ

Хўжалигимиз меҳнат аҳли давлатга пахта сотиш режасини вилоятимиздаги илғор хўжаликлар қаторида ортиғи билан адо этди. Давлатга 1860 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бердик. 755 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан хирмон кўтардик.

Ҳар йили ҳосилнинг асосий қисмини техника ёрдамида йиғиштириб оламиз. Бу йил ҳам ялпи ҳосилнинг 96 фоизини механик-ҳайдовчиларимиз териб бердилар. Т. Расулов, М. Ғаниев, Р. Даврбоев, У. Жабборов, Э. Довутов сингари механизаторларимиз баракали меҳнат қилиб, 130—140 тоннадан пахта тердилар.

Президентимиз И. А. Каримовнинг пахтанинг харид нархларини ошириш тўғрисидаги Фармони кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб юборди. Пахта ҳосилдорлигини камида 30 центнерга етказиш ниятида йиғим-терим ишларини қизғин давом эттирмоқдамиз. Умуман олганда, бу йил пахтачиликдан 50 миллион сўм атрофида даромад кўришни режалаштириб турибмиз.

Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги танглик даврида аҳолининг барча табақасини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш бош вазифаларимиздан бўлиб турибди. Вақтли матбуотга обуна ҳам шулар жумласидандир. Жамоа бошқаруви ҳамда ХДП бошланғич ташкилоти ҳамкорликда 300 дан ортиқ хонадонга «Ўзбекистон овози» газетасига бепул обуна қилиш ҳақида қарор қилдик ҳамда ана шу қарорни амалга оширдик.

«Ўзбекистон овози» газетаси ижодий жамоаси қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётини янада кенгроқ ва чуқурроқ ёритади, деган умиддамиз.

С. РАҲМОНҚУЛОВ,
Боёвут районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

К. ШАРОФБОЕВ,
хўжалик партия ташкилоти котиби.

•

• *«Ўзбекистон овози» газетасига обуна 20 ноябргача давом этади*

ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЛК ҚУВОНЧИ

Бир гуруҳ голландиялик ишбилармонлар Андижон вилоятига келиб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида фикр алмашдилар. Улар Қўрғонтепа районидаги «Дардоқ» давлат хўжалигига бориб, у ерда деҳқончилик қилаётган ҳамюртларининг иши билан танишдилар.

Хўжаликнинг 4-бўлимида 60 гектар майдонга Голландиядан келтирилган юқори ҳосилли картошка уруғи экилганди. Бу картошка голландиялик мутахассис Вальтер Стромм раҳбарлигида хориждан келтирилган техника воситалари ёрдамида парвариш қилинди. Дардоқлик деҳқонлар картошка етиштиришнинг голландча усулини зўр қизиқиш билан ўрганишга ҳаракат қилдилар. Барча майдонларда мўлжалдагидан кўпроқ ҳосил етиштирилди.

Голландиялик ишбилармонлар хўжаликнинг картошка экилган майдонларини кўриб, ҳар гектар ердан 30 тонна ва ундан кўпроқ ҳосил олинишига ишонч билдирдилар.

— Андижонликларнинг меҳнатсеварлиги ва меҳмондўстлиги бизга ёқди, — деди Голландия ишбилармонлари гуруҳининг раҳбари Ф. Хукендайк.— Бундай кишилар билан ҳамкорлик қилиш мароқлидир. Бу ўлкада картошкадан мўл ҳосил етиштириш мумкин. Ҳамкорлигимизнинг илк маҳсули буни яққол кўрсатиб турибди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янгиликдан хабарингиз борми?

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. Турли мамлакатлар, уларнинг фирмаларн, банклари билан амалий алоқалар кучаймоқда. Булар, шубҳасиз, мустақил республикамиз иқтисодиётининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Куни кеча Ўзбекистон Экспонатлар марказининг биринчи «Тематик кўргазмалар» павильонида очилган пахтага дастлабки ишлов беришдан тортиб то тайёр маҳсулотга қадар қайта ишлаш технологияси ва асбоб-ускуналарининг ихтисослашган кўргазмаси — «Пахта-92»нинг очилиши ҳам фикримизнинг далилидир. Беш кун мобайнида Англия, Австрия, Бельгия, Венгрия, Дания, Германия, Голландия, Ирландия, Полша, Россия, Чехословакия, Швеция, Швейцариядан ташриф буюрган фирма ва корхоналар мутахассислари пахтани қайта ишлаш ва замонавий тўқимачилик асбоб-ускуналарини намойиш этадилар ҳамда бу ҳақда ахборотлар берадилар.

Кўргазмада жаҳонга машҳур Ян интернешнл, Мишель Ван де Виль, Беннингер, Пиканол, Иро, Косрол, Клёнкер, Магра, Сторк Брабант, Кемницер, Пея Холдинг ва бошқа фирма ҳамда корхоналарнинг вакиллари иштирок этяпти. Улар момиқ пахта тайёрланадиган асбоб-ускуналар, йиғирув ва пардозлаш дастгоҳлари, тўқувчилик ишлаб чиқариши учун юксак унумли пневматик ва рапирали тўқув дастгоҳлари ҳақида тўла тушунча бермоқдалар.

Кўргазма Ўзбекистон Экспонатлар маркази ва «Негус Экспо» фирмаси томонидан ташкил этилди. Унинг ташкилотчилари фан ва ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларига тегишли кўргазмаларнинг янги туркумларини очиш учун бу кўргазма туртки бўлади, деб таъкидлашди. Кўргазма хорижлик бизнесменларнинг ўз маҳсулотлари билан Ўрта Осиё бозорларига чиқишларига имкон беради.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

Нуробод ноҳиясидаги Қори Ниёзий номли 20-ўрта мактабнинг Муҳар Жумаева мудирлик қилаётган кутубхонаси доим гавжум. Бу ердаги 6000 дан ошиқ турли адабиёт ва турли кунлик матбуот нашрларидан ўқувчию, ўқитувчи баҳраманд бўлади.

СУРАТДА: кутубхонанинг ўқиш залида.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

ПАҲЛАВОН ТУҒИЛДИ

Тошлоқ районидаги тижоратчи Мусожон Аҳмаджонов ва Заркент қишлоқ шифохонаси ҳамшираси Турсуной Ҳасановалар оиласида паҳлавон чақалоқ дунёга келди. Чақалоқнинг вазни 6 килою 200 грамм, бўйи эса 70 сантиметрга тенг эди.

— Туғруқхонада 20 йилга яқин ишлаб бундай паҳлавон чақалоқни кўрган эмасдим, — дейди район марказий шифохонаси туғруқ бўлими мудири Раъногон Собирова.

Т. Ҳасанованинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокор Т. Назиров ҳамда Р. Маматова, А. Қаландарова сингари доялар маҳоратларини ишга солиб ҳаракат қилишди.

Турғунбой деб ном қўйилган паҳлавон чақалоқ ва унинг онаси туғруқхонадан чиқишди. Уларнинг саломатликлари яхши.

М. ИБРОҲИМОВА.
«Тошлоқ тонги» газетаси мухбири.

• *«Ўзбекистон овози» соврини учун*

◆ Фарғона водийсининг кўркам шаҳарларидан бири — Яйпанда ўзига хос спорт байрамига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Яна бир неча кундан кейин бу ерда мустақил Ўзбекистон вилоятларидан тўпланган йигит-қизлар «Ўзбекистон овози» соврини учун курашни бошлайдилар.

• *Мусобақа арафасида*

ЯЙПАН ЧОРЛАМОҚДА

Мухлислар узоқ йиллар мобайнида анъанавий равишда ўтказиб келинган совриндорлик баҳсини яхши эслайдилар. Севимли газета соврини баҳонасида республикамизда спортнинг кам ривожланган тури — марафонча югуриш ва спортча юриш оммавийлашиб, моҳир спортчилар сафини кенгайтиришга йўл очилган эди. Кейинги йилларда юз берган иқтисодий туб ўзгаришлар таъсирида ана шу анъанавий мусобақани уюштиришнинг имкони топилмай қолди.

Яйпанлик бир гуруҳ ташаббускорлар савобли ишга қўл уриб, ўша мусобақага ўхшаб кетадиган спорт баҳсини ташкил этишга аҳд қилдилар. Уларнинг ташаббусини «Соҳибкор» кичик корхонасининг раҳбари Абдуҳалил Эрназаров қўллаб-қувватлади. У ёғини сўрасангиз Абдуҳалилнинг ўзи бир пайтлар «Ўзбекистон овози» соврини учун югуриш мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринларга даъвогарлик қилган эди. Мана энди у спорт жонкуяри сифатида анъанавий совриндорлик баҳсининг ҳомийси бўлиб турибди.

Газета соврини учун ташкил этилаётган югуриш мусобақаси келаси йилдан марафончиларнинг яна оёққа туришларига йўл очса, ажабмас. Чунки, марафонча югуриш ва спортча юриш олимпиада мусобақалари турларидан ҳисобланади. Ўзбекистон пойтахти 2000 йилда бўладиган олимпиадани ўтказиб беришга даъвогарлик қилмоқда. Демак, бундай мусобақанинг аҳамияти янада ортиши табиий.

Шаҳримизда уюштирилаётган мусобақаларга кўпроқ ёшларни таклиф қилганмиз. Мақсад улар орасидан иқтидорлиларини танлаш ва тарбиялаш.

Куни кеча мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг 21 кишилик аъзоси тўпланиб, барча юмушлар ҳақида батафсил гаплашиб олдик. Хусусан, спортчиларни кутиб олиш, жой билан таъминлаш, транспорт хизмати кўрсатиш, маданий дам олишни ташкил этиш каби ишлар бажарилади.

Газета соврини учун мусобақани ўтказишга нима учун Яйпан танланди, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг бевосита сабаблари бор. Биринчидан, яйпанликлар спортнинг енгил атлетика турини жуда ёқтиришади. Қолаверса, газета соврини учун мусобақалар тўрт марта шаҳримизда ўтказилган. Кейин Ўзбекистон райони ва унинг маркази Яйпанда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қилинади. Хусусан, футболчиларимиз вилоят биринчилигида муваффақиятли куч синашдилар. Волейболчи йигитлар вилоят биринчилигининг ғолиби саналади. Бизда Улуғбек Мамадалиев, Игорь Алексеев, Содиқ Тойлоқов сингари етук спортчилар тарбия топган.

Ҳозир яйпанлик югурувчилар 12 кишилик жамоага бирлашиб, мусобақага қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Уларга тажрибали тренер Ҳасанбой Ортиқов устозлик қилмоқда. Югурувчиларимизнинг мақсади мезбон сифатида ибрат кўрсатиб, совринли ўринлардан бирига талабгорлик қилиш. Ўйлаймизки, газета соврини учун кураш ташкилий ва тадбирий жиҳатдан ибратли бўлади.

Анваржон ЭРКАБОЕВ,
Ўзбекистон райони ҳокими.



Қизғин баҳс... В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

БОШОҚ ТЕРИШ ОЧКЎЗЛИКМАС

Ўроқда йўқ, мошоқда йўқ..., деб бошланадиган халқ мақолидаги «бошоқда йўқ» деган иборанинг маъносини бизнинг авлодимиз эҳтимол дуруст тушунмас. Чунки, даладан бошоқ териш тугул, донни қўл билан ўриб олиш ҳам расм-русумдан чиқиб кетган.

Бироқ Қумқўрғон районидаги «Қумқўрғон» давлат хўжалигининг директори Зулфиқор Чориев қизиқ гапни айтиб қолди. У кишидан шоли ўримини сўрасак, бизда ўримдан ҳам кўра шолининг бошоғини териш қизғин, деб қолди. Аймримлар комбайннинг изидан қоп-қоплаб бошоқ териб олаяптилар.

— Демак, комбайнларингиз роса «сифатли» ишлаётган экан-да, — дейман мен ҳам ўзимча қочириқ гап қилиб. — Бир ҳисобда шу ҳам яхши. Ерда қолиб исроф бўлгандан кўра одамлар териб олсин...

— Одамларимиз узумнинг қолган-қутганини териб олишди. Энди бошоқ йиғишяпти. Яхши... Лекин, бошоқ теришдан ҳам кўра бизга пахта териш зарур бўлиб турипти. Пахта теришга одам кам...

— Бошоқ теришга ўрганган одамлар, ҳали кўрасиз, пахтанинг ҳам сўнгги мисқолигача, раҳбарларнинг қистовисиз, териб оладилар. Режани бажардик, деб пахта чуваб ётган далага плуг солиш замонлари энди ўтди. Теримтергиловчи тежамкорнинг замони келди, — дейман директорга.

Бироқ Чориевнинг асабийлашгани ёзилмайди. Нуқул режани ўйлайди.

Э, биз учун қандай азиз бўлиб қолган бу «режа» деган сўз.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ОМОН МАТЖОН ИЖОДХОНАСИДА

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.

● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия қўмитаси Марказий Кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабековга опаси

Манзура ЖЎРАБЕКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЎРТАОСИЁ-ТРАНС

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ

«ЎРТАОСИЁТРАНС» ФИРМАСИ

Тошкент шаҳри ва унинг атрофида, шунингдек, Тошкент вилояти ҳудудида яшовчи юқори малакали ҳайдовчи-экспедиторларни халқаро йўналишларда юк ташишда фойдаланадиган катта юк автомобилларида ишлаш учун қабул эълон қилади.

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ:

1. Биринчи тоифа (Е—категорияси бўлиши шарт.
2. 30—40 ёшли.
3. Оғир юкли дизель автомобилларини бошқаришда камида 10 йиллик иш стажига эга бўлган.

Ўрта мактаб даражасида чет тилларидан бири (инглиз, немис) тилини билса нур устига аъло нур.

Мурожаат учун манзилгоҳ:

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Обводная кўчаси, 9-уй.

Телефон: 47-30-55.

БАРЧА ЖАМОА, ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ ВА ШАХСИЙ ТОМОРҚА ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасидаги етакчи корхона — Самарқанд химия заводи тупроқнинг дармондориси бўлган юқори самарали янги

ДОНАДОР БОЙИТИЛГАН СУПЕРФОСФАТ

ўғитини ишлаб чиқара бошлади.

У ишлатиб келинаётган аммофос ўғитига нисбатан бир қанча афзалликларга эга ва қишлоқ хўжалигида кутилган натижаларни беради.

ЯНГИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ

— қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини (пахта ҳосилдорлигини гектарига 3—4 центнерга) аммофос ўғитига нисбатан оширади — бу Сизнинг қўшимча соф фойдангиздир;

— юқори таннархли фосфорли ўғитга бўлган эҳтиёж йўқолади — бу Сизнинг қўшимча соф фойдангиздир;

— Қоратоғ фосфоритидан олинадиган, ҳаммага маълум бўлган, таркибида 44 фоиз фосфор (Р2 О5) сақлаган аммофос ва 14 фоиз фосфор (Р2 О5) сақлаган оддий суперфосфат ўғитларига нисбатан арзондир — бу ҳам Сизнинг қўшимча соф фойдангиздир.

ЯНГИЛИКНИНГ ТУПРОҚ УЧУН ФОЙДАСИ

— кўп йиллардан бери тинимсиз ишлатиб келинаётган юқори концентрацияли ўғитларнинг таъсирида бузилган тупроқ тузилишини ўз ҳолига қайтаради ва яхшилайди;

— тупроқнинг нам ушлаш хусусиятини сақлайди;

— тупроқни ҳаммага маълум бўлган азот ва фосфор озуқаларига бойитиш билан бир қаторда ёдингиздан кўтарилган, лекин ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун жуда фойдали бўлган кальций ва олтингугурт элементларига бойитади, уни соғломлаштириб, ўсимликнинг касалликка чалинмаслигини таъминлайди.

ЯНГИЛИК АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ УЧУН БЕБАҲОДИР

— суғориш натижасида тупроқдан ювилиб кетадиган фосфат ва нитратларнинг камайиши ҳисобига сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақлайди;

— сувда эримайдиган фтор тузлари сақланганлиги учун тупроқнинг фтор билан ифлосланишига йўл қўймайди;

— унинг фойдали таъсир даражасининг юқорилиги ва озуқа элементларининг секин ўзлаштирилиши ҳисобига тупроққа солинадиган кучли ўғитларнинг йиллик миқдори кескин камаяди.

ДОНАДОР БОЙИТИЛГАН СУПЕРФОСФАТ ИККИ ХИЛ НАВДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ:

1-нав — таркибида 24 фоиз (Р2 О5) фосфор озуқасини сақлайди;

Олий нав — таркибида 27 фоиз (Р2 О5) фосфор озуқасини сақлайди;

Агар Сиз тупроқ тузилишини бузмасдан унинг физикимёвий ва биологик хусусиятларини яхшилаган ҳолда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширмоқчи бўлсангиз;

агар Сиз ҳақиқатан она Ватанимизнинг атроф-муҳити мусаффолигини сақламоқчи бўлсангиз;

агар Сиз ҳақиқатан ўз молиявий ишларингизни жадал суръатлар билан олиб боришни хоҳласангиз;

Буларнинг барчасига Сиз ҳеч қандай қийинчиликсиз Самарқанд химия заводидан БОЙИТИЛГАН СУПЕРФОСФАТ ўғитини сотиб олиш йўли билан эришишингиз мумкин.

Манзилгоҳимиз: 703037, Самарқанд шаҳар, Самарқанд химия заводи.

Телефонлар: (3662) 24-37-55, 24-36-28; 24-96-62.

Телетайп: 103125 ХИМИК.

Телекс 116212 СУПЕР.

Телеграф 103236. Ёки 700000, ГСП, Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 18-уй, Ўғитлар институти, «Барака» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Телефонлар: 33-39-50, 33-49-42.

Ўғитни сотиб олиш учун бевосита ёки воситачилар орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Сотиб олинадиган ўғитга олдиндан пул ўтказилиши керак.

Ўғит харидорга ўз автотранспорти ёки темир йўл вагонлари орқали заводдан юборилади.

ОМАДИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА.
ВАҚТ ОЛТИНДАН ҚИММАТ, ШОШИЛИНГ!
БОЙИШИНГИЗ УЧУН БИЗ ҲАМИША ХИЗМАТИНГИЗГА ҲОЗИРМИЗ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: М. ЮСУПОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00 Г—453. № 223. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.